КУТУБХОНАСИ

ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 105 (10.410) / 2005 ЙИЛ 1 ИЮНЬ

## 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

**ФАРЗАНД— ОИЛА ҚУВОНЧИ. БОЛА ДУНЁГА КЕЛИБДИКИ, ОТА-ОНА УНИНГ КАМОЛИНИ ЎЙЛАЙДИ. БУТУН БОРЛИҒИНИ ШУ ЖАЖЖИГИНА ИНСОНГА БАҒИШЛАБ, УНИ ЖОН ҚАДАР АВАЙЛАБ-АСРАБ, КАТТА ҚИЛАДИ. БОЛАКАЙ ЭМАКЛАГАНДА БИР СУЮНАДИ, ОЁҚҚА ТУРГАНДА КЎЗЛАРИДАН ҚУВОНЧ ЁШИНИ ТЎКАДИ. БОҒЧАГА, МАКТАБГА БОРГАНДА КЎНГЛИ ХУШЛИГИНИ АЙТМАЙСИЗМИ? НИҲОЯТ ЎҒИЛ-ҚИЗ БЎЙГА ЕТИБ КУЁВ ВА КЕЛИН БЎЛГАНДА, ШУ ФАРЗАНДИ КАМОЛИ ЙЎЛИДА ТУНУ КУН ЧЕККАН МАШАҚҚАТЛАРИНИ БИР ЗУМДА УНУТИБ ЮБОРАДИ. ДЕМАК, ФАРЗАНДИ КАТТА БЎЛИБ, ОТА-ОНАНИНГ БАХТИ, КЕЛАЖАГИ, СУЯНЧИҒИГА АЙЛАНИБДИ.**



## ФАРЗАНД КАМОЛИ — ОТА-ОНА ИҚБОЛИ

Аслида халқимизнинг болапарварлиги ҳам ана шундан. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган сўзларининг замирида ҳам шу маъно ётади.

Нафақат бизда, балки жумлаи жаҳон халқлари ўртасида ҳам фарзанд қадри ҳамиша баланд бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Зеро, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясининг муқаддимасида «Инсон ҳуқуқлари болалар ҳуқуқидан бошланади», дейилиши ўсиб келаётган ёш авлодга қаратилаётган эътиборнинг нечоғлик аҳамиятли эканлигидан далолатдир. Фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб етишишлари, уларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида таълим ва тарбия олишига хизмат қилувчи «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ёшларнинг ҳар жиҳатдан камол топишларида муҳим ўрин тутади.

Ҳар йили юртимизда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни кенг нишонланади. Келажагимиз бўлмиш фарзандларимиз учун республикамизнинг, жумладан Тошкентимизнинг ҳам барча гўшаларида ранг-баранг тадбирлар ўтказилади. Бу йил ҳам анъанага кўра ана шундай тадбирлардан бир нечтасини ўтказиш режалаштирилган. Хусусан, 1—15 июнь кунлари барча ҳудудларда кенг тарзда хайрия тадбирлари, шу жумладан «Соғлом бола — полвон бола» шиори остида спорт мусобақалари бўлиб ўтади.

Кеча «Туркистон» саройининг ёзги саҳнасида «Сен ёлғиз эмассан» ва Болалар республика жамғармалари ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб кам таъминланган оила фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун хайрия концерти ўтказилди. Шунингдек, бундай тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан бугун Халқлар дўстлиги саройида ўтказилади. Бундан ташқари, Бобур, Ғафур Ғулом, Мирзо Улуғбек номидаги ва бошқа маданият ва истироҳат боғларида, шунингдек, «Умид» болалар спорт мажмуасида, маҳаллаларда, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида, меҳрибонлик уйларида шу каби қатор тадбирларни ўтказиш белгиланганки, буларнинг барчаси фарзандларимизнинг соғлом ва бақувват ўсишлари ва келажак бахт-иқболини ўйлаб қилинаётган саъй-ҳаракатлардир.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

## «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ»

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу номдаги янги китоби нашрдан чиқди.**




Ушбу тўпламдан давлатимиз раҳбарининг шу йил 13 май куни Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан 14 май куни Оқсарой қароргоҳида, 17 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун ўтказилган матбуот анжуманларидаги баёнотлари ва мухбирларнинг саволларига жавоблари ўрин олган.

Нашрда Ислом Каримовнинг 2005 йил 25 май куни Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи билан жўнаб кетиши олдидан Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари учун берган интервьюси ҳам китобхонлар эътиборига ҳавола этилган.

“Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди” — китобнинг айнан шундай номланишида теран маъно мужассам. Аввалимбор, бу наинки Президентимизнинг, айни чоғда бутун халқимизнинг дилидаги, юрагидаги гап. Андижонда содир этилган нохуш воқеаларга жамоатчилигимиз вакиллари оммавий ахборот воситалари орқали билдираётган фикр-мулоҳазалар буни яққол исботлаётир.

Юртбошимизнинг ушбу китобида баён этилган факт ва далиллар, асосли ҳамда холис мушоҳадалар Андижон воқеалари тўғрисидаги ҳақиқатни юзага чиқариш, турли уйдирмаларга чек қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

Китоб “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан кўпминг нусхада ўзбек ва рус тилларида чоп этилган.

**(ЎзА).**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

• **БУГУН** Чилонзор туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман халқ таълими бўлими, "Камолот" ЁИҲ, "Соғлом авлод учун" жамғармасининг туман бўлими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида кам таъминланган оилалар фарзандлари Тошкент ҳайвонот боғига саёҳат қилишди.

• **БУГУН** Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Яккасарой туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маънавият ва маърифат" марказι, "Камолот" ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилган тадбир Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланди.

• **ЮНУСОБОД** туманидаги 5-мактабда бўлиб ўтган "Огоҳликка даъват" мавзуидаги тадбирда 17, 43, 51,80-мактаблар ўқувчилари иштирок этишди.

• **БУГУН** Учтепа туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими, туман меҳнат бўлими, туман хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун" жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан тумандаги меҳрга ташна болажонларга эсдалик совғалари топширилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

• **1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида Шаҳрисабзнинг сўлим Мироқи қўрғонида замонавий услубда тубдан қайта қурилган «Лочин» болалар оромгоҳи фойдаланишга топширилди.**

• **Ўзбекистон Халқаро автомобилда юк ташувчилар уюшмаси Тошкент, Чуст ва Нукус шаҳарларида ўз ваколатхонасини очди.**

• **Андижон шаҳридаги «Андижонкабель» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси маҳсулотлари нафақат ички бозор, балки хорижда ҳам харидоргир бўлиб бормоқда. Корхонада жорий йилнинг 1 чорагида 6 миллиард 34 миллион сўмликдан зиёд кабель симлари ишлаб чиқарилди ва маҳсулотнинг 90 фоиздан зиёди Россия, Қозоғистон, Туркманистон давлатларига экспорт қилинди.**

• **Урганчда «Сифат тизими— ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг ўзаро рақобатбардошлигини ошириш гарови» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.**

• **Қашқадарё вилоятида ғалла ўриб олинмоқда. Қарши туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги пиллакорлари вилоятда биринчи бўлиб ўрим-йиғимга киришдилар.**

### Жаҳонда

• **Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида Халқаро ижтимоий хизмат жамғармасининг 46-«Дунё бозори» ярмаркаси бўлиб ўтди.**

• **Франция Президенти Жак Ширак мамлакат Бош вазири Жан-Пьер Раффарен ва унинг бошчилигидаги ҳукуматнинг истеъфосини қабул қилди.**

• **«Интервью-НСС» институти томонидан ўтказилган жамоатчилик фикри сўровига кўра, Голландияда 60 фоиздан ортиқ сайловчилар Европа Конституцияси қабул қилинишига қарши чиқмоқдалар.**

• **Исроил полицияси Интернет тармоғи орқали саноат жосуслиги билан шуғулланган фирибгарлар гуруҳини фош этишга муваффақ бўлди.**

*Иқтисодиёт*

## СИФАТЛИ ВА ЧИДАМЛИ

**Уйнинг ички чиройи пардалар ва мебелларнинг уйғунлигида бўлса, ташқи кўркамлигида эса том ёпиш қопламалари, яъни черепицаларнинг ўзига хослиги, бежирим кўриниши ва ранги муҳим аҳамият касб этади.**

Ҳозирги кунда «Magik tom» корхонасида ана шундай кўринишдаги сифатли ва бежирим черепицалар ишлаб чиқарилмоқда. Кўпга чидамли ушбу черепицалар асосан қум, цемент, пигмент ҳамда мустаҳкамловчи компонентлар аралашмасидан тайёрланиб, ўлчами 300 х 400 миллиметр, оғирлиги 4,5 килограммни ташкил қилади.

Корхона цехлари Италиянинг «Vortex Hydra» номли замонавий линиялари билан жиҳозланган. Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар экологик тоза бўлиб, Европа стандартларига тўлиқ жавоб беради. Бугунги кунда буюртмачилар хоҳишига кўра турли ҳажм, ранг ва кўринишдаги черепицалар ишлаб чиқарилмоқда.

## БУЮРТМАЛАР БАЖАРИЛМОҚДА

**Ҳамкорлик асосида ташкил қилинган корхоналар фаолияти ва ишлаб чиқариш жараёни бугунги кунда кўпчиликка ўрнак бўладиган даражадалиги кишини қувонтиради. Айни дамда шаҳримиздаги «Инвест-тош» масъулияти чекланган жамияти жамоаси италиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда иш юритмоқда.**

Асосан плиткалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада мармардан мозаикали плиткаларнинг турли хиллари тайёрланмоқда. Италиянинг «Педрини» фирмасидан келтирилган замонавий линиялар асосида ишлаб чиқарилаётган корхона маҳсулотлари кўплаб иншоотларнинг бунёдкорлик ишларида қўлланилмоқда. Асосан 15х40 мм қалинликдаги 30х40, 30х50, 40х50 сантиметр узунликдаги мармар плиткалар тайёрланадиган жамоада айни дамда 40 нафардан зиёд ишчи-ходим иш олиб боришмоқда.

Шартнома асосида корхона йилига 25900 квадрат метр, яъни 297 миллион сўм миқдорида маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлиб, унинг асосий буюртмачилари 4,12,159-қурилиш трестлари, «Метромахсусқурилиш» қурилиш бошқармаси ҳамда шаҳримизда фаолият юритаётган кичик корхоналардир.

**Қутлуғбек ХОЛИҚУЛОВ**

**Доктор Рамакант Двиведи:**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИ ҚАТЪИЙ

**Андижон воқеалари, уларнинг сабаблари тўғрисидаги турли фикр-мулоҳазалар Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари диққат марказидан четда қолмаяпти. Шу маънода, мамлакат сиёсий доираларида юқори мавқега эга «Mainstream» журналида эълон қилинган «Ўзбекистон Бобур шаҳри — Андижондаги тартибсизликлар» (Uzbekistan Unrest in Babur s City Andijon») мақоласи эътиборлидир.**

Мақола муаллифи, доктор Рамакант Двиведи Ўзбекистонга кўп маротаба ташриф буюрган ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар кўлами, халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари билан яқин таниш. Шу боис Андижонда содир бўлган воқеалар воситасида мамлакатимизда ҳукм сураётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнига салбий таъсир ўтказишга бўлган уринишни муаллиф куюнчаклик билан қатъий қоралайди.

Р.Двиведи Ғарб оммавий ахборот воситаларидан фарқли ўлароқ ўз мақоласида диний экстремистларнинг Андижонда қалтис вазиятни юзага келтирган қабиҳ ҳаракатларини аниқ далиллар асосида очиб ташлаган. Бунда у Ўзбекистон расмий доиралари томонидан тарқатилган маълумотларга суянади ва воқеалар ривожини хронологик тарзда келтириб ўтади. Муаллиф ушбу воқеалар ортида турган «акромийлар»нинг асл мақсадлари, жумладан, уларнинг минтақада халифат ўрнатиш нияти, «Хизбт-ут-таҳрир» ташкилоти билан яқин алоқалари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни журнал ўқувчиларига етказган.

«Баъзи бир Марказий Осиё кузатувчилари сиёсий йўқотишлар, иқтисодий шароитнинг ёмонлашуви, коррупция, турмуш даражасининг пасайиши, мамлакатдаги оммавий ишсизлик ва ўзбек ҳукуматининг ушбу муаммоларни ҳал қилишга уқувсизлиги диний экстремизмнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди, деган фикрни қўллашмоқда, — деб ёзади Рамакант Двиведи. — Ушбу сўзлар муаллифи эса Ўзбекистонда, Фарғона водийсида бўлган чоғида собиқ Совет Иттифоқининг инқирозга учраш жараёни мафкуравий бўшлиқни юзага келтиргани ва диний мафкурачилар ушбу бўшлиқни ислом ғоялари билан тўлдиришга уринаётганига эътибор берган эди».

«Андижонни Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларига сўнгги дарвоза дейиш мумкин. Ушбу вилоятларда 2005 йил март ойида Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Москвага қочиб кетишига сабаб бўлган намойишлар бошланган эди. Ушбу ҳаракат "Лола инқилоби" деб аталди. Баъзи таҳлилчилар «Лола инқилоби» айни пайтда Фарғона водийсининг Ўзбекистон қисмига ҳам ўз соясини ташлади, деган фикрни ўртага ташлашди. Лекин бундай фикрлар ҳақиқатга тўғри келмайди. Ўзбекистон минтақадаги асосий мамлакат ва кутилмаган ўзгаришлар Марказий Осиё ва унга қўшни минтақалар учун катта геосиёсий оқибатлар олиб келиши мумкин эди».

Муаллиф Андижонда содир бўлган воқеаларга нисбатан дунё мамлакатлари томонидан билдирилаётган муносабатни таҳлил қилар экан, минтақадаги геосиёсий манфаатлар тўқнашувини кузатади. Бунда Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураши қатъий эканига эътиборни қаратади ҳамда Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Аксилтеррор минтақавий тизими фаолият юритаётгани ҳам бежиз эмаслигига эътибор қаратади.

«Ўзбеклар мамлакатга амалий ўзгаришлар олиб келадиган эволюцион демократик жараёнлар тарафдори. Айни пайтда Ўзбекистонда диний экстремистларга қарши кураш давом эттирилаверади».

**Садриддин СУЯРОВ, «Жаҳон» АА. Деҳли.**

**Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 4 мартдаги «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига мувофиқ армия хизматига чақирилган ёшлар айни кунларда тантанали Қасамёд қабул қилмоқдалар.**

## ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД — ВАТАНГА САДОҚАТ РАМЗИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларидан бирида сафарбарлик чақируви резерви батальони шахсий таркибининг ҳарбий қасамёд қабул қилишга бағишланган тантанали митинг бўлиб ўтди.

Қуролли Кучлар сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилган юзлаб фуқаролар халқимизга ва Президентимизга содиқ бўлишга тантанали равишда қасамёд қилдилар.

Ёшлар Конституциямизни муқаддас билиб, унга қатъий риоя этиш, Ватаннинг ҳар бир қарич ерини кўз қорачиғидек асраш, чегараларимиз дахлсизлигини мустаҳкам ҳимоя қилишга сўз бердилар.

Маросимда йигитларни ҳарбий қасамёд қабул қилганликлари муносабати билан ҳокимликлар, Қуролли Кучлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ота-оналар қизғин табрикладилар.

— Бугун менинг ҳаётимда унутилмас кун — кўплаб тенгқурларим қатори ҳарбий қасамёд қабул қилдим,- дейди Тошкент вилоятининг Ғазалкент шаҳридан сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматга чақирилган Алишер Эсонбоев.— Ҳарбий қасамёд менга она-юртим, унинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлиги, тинчлиги ва осойишталиги, халқимнинг бунёдкорона меҳнати учун доимо масъул бўлишимни эслатиб туради.

**Т.БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.**

*Хорижий сармоялар — ривожланиш негизи*

# АВТОМОБИЛЛАР УЧУН ФИЛЬТРЛАР

**Бозорни ўрганиш асосида маҳсулот турларини кўпайтириш, хорижий ҳамкорлар билан алоқани мустаҳкамлаш, буюртмачилар талабини ўз вақтида адо этиш «Компрессор» акциядорлик жамияти ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда.**



Ўрта Осиёда компрессорлар ишлаб чиқариш бўйича ягона бўлган ушбу корхонада электр билан ишлайдиган компрессорлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Албатта, корхона мутахассисларининг изланишлари асосида компрессор ускуналари ва фильтрларнинг сифати ортиб, харидорлари сафи ҳам кенгайиб бормоқда.





Хорижий сармоядорларни жалб этган ҳолда корхона негизида ташкил топган «Осиё Компрессор-Фильтр» ҳамда «RFN-Kompressor-Filter» қўшма корхоналари замонавий линиялар билан жиҳозланган бўлиб, унинг цехларида автомобиллар учун турли фильтрлар тайёрланмоқда. «Осиё Компрессор-Фильтр» жамоаси томонидан ишлаб чиқарилаётган 50 турдаги фильтрлар ички бозоримизда ўз харидорларига эга. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси корхонанинг асосий буюртмачиларидан ҳисобланиб, сифатли ва рақобатбардош фильтрлар маҳсулот тайёрлашда уларга қўл келаётгани алоҳида таъкидлаш ўринли.

Ўтган йилда ташкил топган RFN-Kompressor-Filter» ўзбек-Америка қўшма корхонаси тадбиркорларига эса Жанубий Кореянинг юксак унумли дастгоҳлари қўл келмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда корхонада мой билан, ёнилғи билан ишлайдиган ҳамда ҳаво фильтрлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Қўшма корхонада ички ёнув двигателли автомашиналар учун мой фильтрларининг тўлиқ мажмуаси тайёрланмоқдаки, у четдан келтириладиган ана шундай маҳсулотдан ўзининг рақобатбардошлиги ва сифати билан асло қолишмайди. Ушбу маҳсулотнинг ички бозорда муносиб ўрин эгаллаши эса мамлакатимиз иқтисодиётида катта аҳамият касб этиб, чета валюта чиқишининг олдини олади.

Қўшма корхонада жорий йилда 50 мингта фильтрлар ишлаб чиқариш режаланган. Шунингдек, акциядорлик жамиятида юқори самарали компрессор қурилмаларини ишлаб чиқаришга эътибор қаратилиб, винтли компрессорлар тайёрлашни йил охиригача 60 тага етказиш кўзда тутилган. Маҳсулотнинг рақобатбардош турларини кўпайтириш учун эса айни кунларда корхона мутахассислари янги лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда. Бир сўз билан айтганда, имкониятлар ишга солинмоқда, илғор тажрибалардан унумли фойдаланилмоқда.

**Саидкарим БОБОСАИДОВ, Дилноза СОДИҚОВА**

**СУРАТЛАРДА: цех бошлиғи Тўлаган Бадалов ва чилангар-синовчи Мурод Валибоев компрессорларни синовдан ўтказмоқда; «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси буюртмаси асосида ишлаб чиқарилаётган янги фильтр маҳсулотлари; тайёр компрессорлар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

# 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

## БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ



**Истиқлол йиллари фарзандларимиз камолоти йўлида жуда кўплаб хайрли ишларни амалга оширадиган эврилиш йиллари бўлди. Айниқса, муҳтарам Юртбошимиз томонидан: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт»,— деган ҳаётий шиорнинг ўртага ташланиши миллат ёшларининг етуклик пиллапоялари сари дадил қадам босишлари учун кўприк бўлди.**

Кеча 1 июнь —Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан пойтахтимизнинг «Туркистон» саройи ёзги саҳнасида байрам тадбири ўтказилди. Унда шаҳримиз туманларидан ташриф буюрган мактаб ўқувчилари, мактабгача таълим муассасалари ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этишди. Ушбу тадбир «Сен ёлғиз эмассан» ва Республика Болалар жамғармалари ҳамда «Маҳалла» жамғармаси томонидан ташкил этилди.

Байрам тадбирининг бошланишида спорт, санъат, маданият соҳаларида кўзга кўринарли ютуқларни қўлга киритган болажонлар ташкилотчиларнинг совғалари билан тақдирландилар. Шундан сўнг чорлов мусиқаси янграб, саҳнага ҳамма-ҳамманинг қалбига қувонч улашгувчи «Томоша» гуруҳи аъзолари кириб келди. Болаликнинг мовий кенгликлари, бахтли сонияларни куйга солгувчи қўшиқлар янгради.

— Бу йилги байрам тадбирига 120 та болажонларимизни олиб келганмиз, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир туман кенгаши раиси ўринбосари Мўминжон Эрматов. — Албатта, бу билан чекланиб қолмаймиз. Ниятларимиз кўп. Фарзандларимизни туман миқёсида ўтказиладиган тадбирларда ҳам хурсанд қилиш ниятидамиз.

Айтиш керакки, бу йилги болажонлар байрами олдинги йиллардагидан анча фарқ қилди. Буни биз саҳна безакларининг бетакрорлигида, ижро этилаётган қўшиқларда озод ва обод Ватан мадҳи зўр ҳаяжон билан ижро этилаётганлигида, болажонларнинг ўзлари ижро этаётган рақсларига ўзгача масъулият билан ёндошаётганлигида кўрдик.

Айниқса, ўзига хос истеъдод эгаси Саша Тегайнинг хоразмча рақслари, «Севинч», «Юлдузча» рақс дасталарининг чиқишлари болажонларда катта таассурот қолдирди.

Ўтган аср ўрталарида атоқли турк шоири Нозим Ҳикмат: «Болаларга беринг дунёни» дея нидо қилган, ҳар бир миллатнинг эртаси шугина мурғак қалб эгаларининг қўлида эканлигини шеърларида баён этган эди. Мана, орадан анча йиллар ўтса ҳамки, шоирнинг ҳаётий ҳақиқатни ўзида мужассам этган хитоби ўзининг қадр-қимматини йўқотмай келмоқда.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган болалар ижодиёти кўргазмаси очилди. У Халқ таълими вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

## РАСМЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Кўргазманинг очилишида сўзга чиққанлар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда ёш авлодни мустақил фикрли, Ватанга садоқатли, соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганини алоҳида таъкидладилар. Шу боис болалар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, уларга ҳар томонлама чуқур ва мукаммал билим бериш, истеъдодини қўллаб-қувватлаш ва юзага чиқариш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Кўргазмада мамлакатимизда истиқомат қилаётган иқтидорли болаларнинг икки юзга яқин асари намойиш этилаётир. Расмларда ёш мусаввирларнинг тинчлик, осойишта ҳаёт, она-юртга муҳаббат, табиатга эҳтиром каби ҳис-туйғулари акс этган. Улар орасида қибрайлик Баҳодир Ғафуровнинг «Менинг кучам», тошкентлик Лилия Сейитованинг «Ватаним гуллари», қорақалпоғистонлик Мафтуна Алимованинг «Семурғ» сингари суратлари томошабинларда айниқса катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## *ИСТИҚЛОЛ ЮЛДУЗЛАРИ*

*Оиланинг қувончисан,*
*мазмунисан, болажон,*
*Ота-она умидисан,*
*дилбандисан, болажон,*
*Бахтли элнинг бахтиёри,*
*келажаги сен ўзинг*
*Истиқлолнинг қуёшидан*
*баҳра олгин, болажон,*



*Она юртнинг боғидаги*
*гул-ғунчасан, лоласан,*
*Яйраб-қувнаб камол*
*топгин, сен азиз дурдонасан,*
*Бахти бутун хур*
*диёрнинг шавкатисан-шонисан,*
*Қўллагувчи Юртбошинг*
*бор, паноҳинг бор, болажон.*

*Сен кулганда олам кулсин,*
*жарангласин шўх наво,*
*Соғлом,кучли ва доно бўл,*
*қалбимизда шу садо,*
*Осмонимиз мусаффодир,*
*тинчлигимиз абадий,*
*Мустақил юрт келажаги,*
*сен ўзингсан, болажон.*

**Дилором ИКРОМОВА**





## ЖАЖЖИЛАР КЎЗИДА ҚУВОНЧ ПОРЛАДИ

**Ўсиб келаётган ёш авлоднинг нафақат соғлом, ақлли ва доно бўлиши, балки баркамол ҳолда вояга етиши давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир.**

Дарҳақиқат, болалар бизнинг келажагимиз, умр давомчилари, эртамизнинг ёруғ юлдузлари. Уларнинг келажакда қандай инсонлар бўлиб вояга етишлари бугун биз бераётган таълим-тарбия, маънавиятимиз сарчашмаларига боғлиқ. Кеча Шайхонтоҳур туманидаги «Қоратош» гузари болаликнинг беғубор, шўх-шодон кулгулари билан яшнаб кетди. Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ушбу сўлим гўшада 350 нафардан ортиқ болажонлар учун катта байрам тадбири ўтказилди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан уюштирилган тадбир беғубор болаликнинг чақнаб турган, покиза орзу-умидлари билан лиммо-лим бўлиб, барча қатнашчилар қалбига бир олам шодлик улашди.

— Фарзандларимиз бизнинг жон ришталаримиз, кўзимиз нури, қалб ардоғидаги дуру гавҳарларимиз, — дейди биз билан



суҳбатда туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова. — Уларга қанчалик меҳр кўрсатсак, илмли-тарбияли қилиб вояга етказсак, эртамиз, келажагимиз пойдевори шунчалик пишиқ-пухта бўлади. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олдидан бир ҳафталик дастури бўйича иш олиб бордик. Яъни, туманимиз болаларини ҳайвонот боғи, цирк, Ўзбекистон Давлат консерваториясига мароқли саёҳатларини уюштирдик. Жами ушбу тадбирларимизга 1450 нафар болажонлар қамраб олинди.

Юз-кўзларида бир олам ҳайрат, ҳаяжон, қувонч порлаб турган болажонлар боғча опалари, тарбиячи ва ўқитувчилари билан шу куни мазза қилиб яйрадилар. Шўх мусиқа, ўйин-кулгу анча вақт давом этиб уларни рақсга чорлади. Қизиқарли лотерея ўйинлари, топширилган эсдалик совғалари болажонлар қалбини бир олам шодликка тўлдириб, ушбу байрамнинг узоқ вақт ёдларида сақланиб қолишига хизмат қилади.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Қоратош» гузарида бўлиб ўтган байрам тадбиридан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

**Ҳисса**: Инсон ҳар вақт бошқаларнинг қилган ишларидан ибрат олиб, ўз ишларини гўзал тадбир асосида қуриши керак. Агар шундай қилмаса фалокатга дучор бўлиши турган гап.

● Шайх Саъдий айтади:

— Танини эркалатиб семиртириб юборган танпарвар кишидан ҳунарли киши чиқмайди, ҳунарсиз киши улуғликка муносиб эмасдир.

— Мард кишилар саъй-ҳаракат, меҳнат қилиб мақсадларига эришадилар. Эй ҳунарсиз киши, сен фақат нафсингни парвариш қилиш билангина қаерга етишмоқ истайсан?

— Энг аввал либосга белги, нишон қўйдирган ва бармоққа узук таққан киши Жамшид подшоҳ эди.

Ундан:

— Нима учун ҳамма оройиш, зебу зийнатни чап қўлингга бердинг? Ҳолбуки, фазилат ўнг қўлдадир, — деб сўрадилар. Жамшид уларга:

— Ўнг тарафнинг ўнглик зийнати ўзига кифоя қилади, — деб жавоб берди.

— Бир улуғ одамдан:

— Ўнг қўлнинг фазилатлари жуда кўп бўлса ҳам, нима учун узукни чап қўлга тақадилар? — деб сўрадилар. У айтди:

— Билмайсизларми, илм аҳли доимо дунё зийнатига унча илтифот қилмайдилар.

● Қилинган насиҳат қабул шарафига мушарраф бўлмаса бунинг иллати кўпроқ насиҳатгўйнинг нўноқлигига боғлиқ. Чунки олим комил бўлса, қилган ваъз-насиҳатнинг остида бирор ғарази бўлмаса, эшитувчининг қабулига муяссар бўлади.

**Байт:**

**Насиҳатин**
**таъсири бўлмаса**
**ҳеч кишига,**
**Таажжубмас,**
**дилида ғарази**
**бор кишининг.**
**Яхши камон бўлса-ю**
**камонгар уста бўлса,**
**Ўқи нишонга тегмай**
**қолмас зинҳор**
**кишининг.**

● **Ҳикмат.** Ҳар кимнинг феълу атворида нуқсон бўлса, унинг қилган ваъзу насиҳатини ҳеч ким қабул қилмайди.

Байт:

**Сўзларингни**
**эшитмаса ҳеч кимса,**
**Беҳудага чекма**
**жабру жафони.**
**Ўз нафсингга ўқи**
**аввал насиҳат,**
**Токи бузмай юрсин**
**аҳду вафони!**

● **Ҳикмат.** Ҳар ким туҳматчилар қаторида ўтирса, уни туҳматчиликда айбласалар, ўзидан хафа бўлсин. Ҳар ким ўз сирини яширса, надомат ва пушаймонлик тортмайди. Бу ҳақда яхши айтганлар:

**Ошкор қилиб**
**бўлмас сирларинг**
**бўлса,**
**Дилингга жойла-ю**
**унга муҳр бос.**
**Эл оғзига тушгач,**
**зиёни кўпдир,**
**Икки лаб ичидан сир**
**чиқса бехос!**

●Ёлғондан ичилган қасамнинг охири хорликдир. Ўлим хавфи бўлса ҳам, ҳамиша рост сўзламоқ керак.

*Маслаҳатчи минбари*

# МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ШАРАФЛИ ВАЗИФА

**Оила муқаддас қўрғон бўлиб у жамиятнинг кичик бир бўлагидир. Ҳар бир миллатнинг қимматли хазинаси эса комил фарзандлар етиштирадиган тарбия ўчоғи, соғлом турмуш тарзига асосланиб қурилган оиладир. Оилаларнинг мустаҳкамлиги бугунги кундаги энг долзарб вазифадир.**

Зеро, шу оилаларда камол топаётган ёшлар — эртанги кунимиз давомчиларининг тақдири, тарбияси учун эса барча бирдек масъул бўлмоғи лозим. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу вазифаларни ижобий ҳал қилишга имкон очиб берди. Бугунги кунда маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг тайинланиши айни муддао бўлди. Маслаҳатчи ким ўзи? — деган саволга тўхталадиган бўлсак, у маҳалланинг бутун икир-чикирларидан хабардор бўлган, ҳар қандай саволга жавоб бера оладиган, ҳар қандай муаммони ҳал қилишга ақли етадиган, тўғри йўл кўрсата оладиган, маънавий етук, диний-дунёвий илмга эга, зукко, зийрак, ҳуқуқий саводхон, бошқаларни ўз кетидан эргаштира оладиган, вақти келганда ўзгалар учун ўзидан кеча оладиган, ўзгалар дардини ўз дарди деб била оладиган заҳматкаш инсон бўлмоғи керак. Ишнинг осон ва унумли бўлиши учун уни тўғри ташкил этиш муҳимдир. Мен аввало ўз вазифамни атрофлича ўрганиб, оила муаммолари билан шуғулланиш, тўй маросимларини тартибли ўтказиш, маданий-маърифий ишлар ташкил қилиш, соғломлаштириш ва оммавий спорт, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёшлар билан ишлаш гуруҳлари бўйича фаолларни жамладим.

Атрофингизда сиз билан ишлайдиган фаолларда сизга нисбатан хайрихоҳлик, ёрдам бериш истаги бўлса, бу янада ижобий натижа беради. Маҳалламизда 5000 дан зиёд аҳоли бўлиб, унинг ярмини аёллар ташкил этади. Фаоллардан ташқари яна ҳар бир кўчамизга аёллардан кўча бошлиғи танлаб олдик. Маҳалладаги диний билимга эга аёлларни йиғиб, улардан менга ёрдам бериб туришларини сўрадим. Кўпқаватли уйларга нисбатан, маҳаллада иш олиб бориш анча осон кечади, фаоллар билан йиғилишиб, маҳалла муаммоларини ўрганиб чиқдик. Энг муҳими, маҳаллада соғлом муҳит ярата олишдир. Фикри соғлом одамдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Маҳалламизда зиёлилар кўплиги сабаб — бизда турли хил салбий ҳолатларга берилган ноқобил оилалар йўқ. Ҳозирги кунда маҳаллада 3 та қамалган ва 5 та жазо муддатини ўтаб чиққанлар бор. Демак биз шу оилалар билан, яна кам таъминланган оилалар билан кўпроқ ишлашимиз керак.

Маҳалла нозири билан ҳамкорликда фаолият олиб борилса иш яна ҳам осон кечади, оилаларга яқиндан кириб бориш, уларнинг муаммолари билан танишиш, дардини тинглай олиш, энг аввало одамлар ишончини қозона олиш ҳамиша ижобий натижа беради. Маҳаллада, радиоузел бўлиб, ахлоқий, ҳуқуқий, миллий қадриятларни ҳурматлаш, тиклаш борасида эшиттиришлар олиб борамиз. Одамлар эшитиб «бугун яхши тарбиявий соат бўлди-да» дейишади. Бу бизга янада илҳом беради. Маҳаллада турли касбларда ишлаган, ҳозир кексалик гаштини сураётган .отахон, онахонларимизни жалб этган ҳолда «Ҳикмат — бир ҳовуч олтин» деган тўгарак ташкил этганмиз. Бизни энг қувонтирадигани бу тўгаракка кўпроқ маҳалла ёшлари жалб этилган, ҳаммалари ўз истаги билан келишади. Яқинда маҳалламизда ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини ошириш, улар қалбига бир чимдим, бир қатим нурдек ёруғлик олиб кириш, миллий қадриятларни тиклаш, уларни она-заминга муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида «Энг китобхон оила» ва «Яхшиликдан эк дарахт» мавзуларида тадбирлар ўтказдик. Маҳалламизда ҳар ойнинг учинчи жума кунини «Маънавият куни» деб эълон қилганмиз. Шоирлар, ёзувчилар билан ижодий учрашувлар ўтказиб туриш — маҳалламиз анъанасига айланиб қолган.

Буларни гапиришдан мақсад мақтаниш эмас, сиз азизлар билан тажрибаларни ўртоқлашиш, бошқа маҳаллалардаги бундан ҳам ибратли ишлар билан танишиш. Бугунги кунда маҳалламизда тўйлар, маъракалар, Ҳайит байрамлари ихчамлаштирилди. Ўтган йили маҳаллада 26 та ўғил уйлантириш тўйи бўлган эди. Улардан ҳайит байрамида 9 нафар ёш келин-куёвларни Самарқанд зиёратига юбордик. Бешта ёш оилани эса Зангиота зиёратгоҳига олиб бордик.

Маслаҳатчи масъулияти ўта машаққатли ва шу билан бирга шарафлидир. Кун давомида кимгадир нафингиз тегса, кимнидир бир муаммоси ўз ечимини топса, бир оила нурашдан асраб қолинса, бу ижобий ҳол. Бундан бошингиз кўкка етади, руҳингиз ором топади.

Шунингдек, қизлар тарбияси, уларни оилага, ҳаётга тайёрлаш борасида маҳаллада ҳаёт тажрибасига эга онахонларни жалб этиб «Оила сабоқлари» деган ўқув машғулотлари ташкил этдик. Бизнинг бугунги кундаги муаммоларимиз — аёлларни қўшимча иш ўринлари ташкил этиб, иш билан таъминлаш ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва оилада тиббий маданиятни юқори савияга кўтариш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишдан иборатдир.

Ўйлайманки, аввало маҳаллаларда тинчлик-хотиржамлик, тотувлик бўлсагина жамиятимиз янада тараққий этиб, фаровонлашади. Бунинг учун ҳар биримиз фаол бўлишимиз, атрофга, одамларга бефарқ бўлмаслигимиз керак.

**Гулчеҳра КАРИМОВА,**
**Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси**

***Яна болалигим,***
***йигит ёшимга,***
***Ярим аср ўтиб***
***қайтган бу куним.***
***Таъзим қилиб келдим***
***қошингга,***
***Нур тўла уйим —***
***азиз мактабим!***

**Ушбу мисралар пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 89-ўрта мактабни 1955 йилда битирган ўқувчилар 50 йилдан сўнг қайта учрашган дамларда дунёга келди.**



# ЭЛЛИК ЙИЛДАН КЕЙИНГИ УЧРАШУВ

Куни кеча ушбу мактаб ҳовлиси устозлару ўқувчилар қатори бундан роппа-роса 50 йил олдинги битирувчиларини ўз қучоғига олди. 50 йил дегани бу нақ ярим аср. Демак бу оз фурсат эмас. Ҳаётнинг қизиқлигини қаранг, бир вақтлар бу кексалар ёшгина бола эди. Улар бу даргоҳга илк қадам қўйишганида билимнинг чанқоқлари эди. Бугун бўлса жамиятнинг қайсидир жабҳаларида жавлон уришмоқда. Улар 13 нафар. Ҳаммасининг сочлари мошгуруч, бола-чақали. Кўпчилигининг набиралари ҳам шу мактаб ўқувчилари. Бугун улар яна бир маротаба болаликка, ўша "нур тўла уйи — азиз мактаби" қучоғига қайтдилар. Орзиқиб кутган, соғинган қўнғироқ қайта жаранглаб, улар 10 "Б" деб ёзилган қадрдон синфхоналари томон кириб бордилар.

Тадбирда кичкина саҳна кўриниши ва болакайлар ижросидаги мусиқий композиция меҳмонларни яна бир бора болалигига, унинг шўх кўчаларига етаклаган бўлса ажаб эмас. Ўшанда 1945 йилнинг 1 сентябри эди. Ўз саводини, ёзиш ва чизишни ўрганиш мақсадида 1 "Б" синфига ўқишга келган болакайлар 28 нафар эди. Вақт эса олий ҳакам. Бугун чеҳраларига йиллар аёвсиз чизиқларини тортиб кетган бу собиқ битирувчиларнинг 9 нафари фан номзоди, доцент, 2 нафари профессор, 1 нафари фан доктори, яна бири олий маълумот эгаси. Уларнинг устози, синф раҳбари Зарифа ая Йўлдошева (Шоумарова) эса бугунги кунда кексалик гаштини сурмоқда. Мактабнинг собиқ директори Халил Одилов 86 ёшни қарши олаётган экан.

— Устозларимиз бошқача эди, — дейди фалсафа фанлари номзоди, доцент Саъдулла Йўлдошев. — Умрлари узоқ бўлсин Зарифа Йўлдошева, Мусаллам Абдуллаева, директоримиз Халил Одилов каби устозларимиз берган таълим ва тарбия ҳаёт йўлимизни ёритди, десам хато бўлмайди.

— Мактабга келаётганда йўл-йўлакай ўтин териб, синфимиздаги печкани ёқиб дарс ўтардик, — деб хотирлайди собиқ ўқувчи Анвар Каримов. — Болаликнинг тасаввури беғубор. Баъзида ўйинқароқлик қилиб кетсак, ўқитувчиларимиз бунинг учун койиб ҳам беришарди. Энди билсак, улар келажагимизни ўйлашган экан. Устозларга таъзим қиламан.

Учрашувда устоз ва собиқ ўқувчилардан ташқари, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Анвар Зокиров, Яккасарой тумани халқ таълими бўлими бошлиғи Азиз Икромовлар ва мактаб фахрийлари Халил Одилов, Зарифа Йўлдошева, Мусаллам Абдуллаевалар ҳам иштирок этишди.

— Собиқ ўқувчиларнинг ҳаёт йўли ибратомуз, — дейди 89-ўрта мактабнинг директори Маргарита Иванова. — Бугун улар суронли 45-йилдаги оғир аҳвол, таълим жараёнлари ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Ўз ҳаёт йўллари, фарзандлари ҳақида ҳам сўзлаб бердилар. Кекса ўқувчиларимиз шарофати ила мактабимизга шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси раҳбарияти янги русумдаги компьютер синфхонаси совға қилди.

Тадбирда йиғилган собиқ синфдошлар ўқувчиларга ўз тилакларини билдирдилар. "Яхши ўқинг, одобли бўлинг. Устозларингиз сабоғини унутманг. Бугун мактабда олаётган ўгитларингиз ва билимларингиз келажакда, мустақил ҳаётда жуда асқотади".

**Дилдора РИЗАЕВА**

**СУРАТДА: 89-мактабда бўлиб ўтган собиқ синфдошларнинг учрашув кечасидан лавҳа.**

*Мунажжим башорати*

## ТАВАККАЛЧИЛИК ҚИЛМАНГ

**2 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА**

**Бугун таваккалига иш тутадиган кун эмас. Саломатлигингизни асранг, ҳар ишда ва ҳамма нарсада эҳтиёткорликка риоя этинг. Мунажжимлар бугунга шуларни тавсия этишади. Яна уларнинг фикрича, бугунги кун ғоят сирли бўлиб, одамларга кутилмаган тақдир туҳфаларини ҳадя этади. Лекин бу туҳфалар ўз тақдирини бошқара оладиган, ишнинг кўзини биладиган кишиларгагина насиб этаркан.**

Бугунги кун мулк ҳақида, уни кўпайтириш ва ривожлантириш тўғрисида қайғуришнинг айни пайти ҳисобланади. Бошлаб қўйган барча ишларингизни ниҳоясига етказишингиз керак бўлади. Экинларга ишлов бериб, дарахтларни парваришлаш ҳайрли бўлиб, ҳосил кўпаяди.

Бугун мунажжимлар, ўз қобиғига ўралашиб қолмаслик, кўпчиликка аралашишни маслаҳат беришади. Шу жараёнда атрофингизда нималар рўй бераётганини кимлар сизни қай тарзда қабул қилаётгани ҳамда ўзингиз бунга қандай муносабатда бўлаётганингизни кузатиб, оқилона мушоҳада юритишга ҳаракат қилинг. Шунда сиз жамиятдаги ўрнингиз ва вазифангизни англаб етишга муваффақ бўлишингиз мумкин.

Бу кеча кўрадиган тушларингиз мулк ва сиз эга бўладиган бошқа нарсалар билан боғлиқ бўлади.

Дармонсиз кишилар бугун кўпроқ дам олиб, ортиқча ҳаракатлар қилмаганлари маъқул.

Бугун бошдан-оёқ янги, оҳорли ва озода кийимлар кийиш керак. Олтинранг,оқ, яшил ранглар тавсия этилади. Жигарранг, қора ва кўк либослардан узоқроқ бўлинг. Узук, билакузук, зирак ва бошқа зеб- зийнатларни кўпроқ тақиш мумкин.

**БУГУН:**

— шахсий манфаатларингизга алоҳида эътибор қилишингиз;

— ҳар қандай ташвиш ва муаммолардан дам олишингиз;

— бошқа кунга қолдириб бўлмайдиган ишлар билангина машғул бўлишингиз;

— шифокорларга учрашиб, маслаҳатлар олишингиз;

— енгил бадан тарбия машқларини бажаришингиз тавсия этилади.

Анча-мунча жиддий ишларни амалга ошириш, зиқналик қилиш, ҳамма нарсани тежаб-тергайвериш, тиш оғриғига бефарқ қараш мумкин эмас.

*Турли тасодифлар*

## ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

Маълумки, ғарб иқтисодиёти иложи борича ҳам энидан, ҳам бўйидан уриб қолишга ҳаракат қилади. Яқинда Мельбурндаги фабрикалардан бирида касаба уюшмаси ташкилотининг талабига биноан маъмурият томонидан "саломатлик ва техника хавфсизлиги" ҳақида лекция ташкил қилинди. Аммо ишлаб чиқаришдаги фалокатнинг олдини олиш тўғрисида машғулот бўлаётган бинонинг шифти дафъатан қулаб тушди. Натижада 19 тингловчининг тўрттаси шошилинч равишда касалхонага ётқизилди.

## БАХТЛИ ТАСОДИФ

Сан-Диего шаҳрига учиб келган "Боинг — 727" маркали Америка самолётининг учувчилари ва йўловчилари ҳаво лайнерида фақат иккита мотор қолганлигини билиб ҳайрон бўлишди. Чунки учинчи мотор учиш даврида изсиз йўқолган эди. Қидирув группаси йўқолган моторни бир кундан сўнг Нью-Мексика штатидаги саҳродан топишди. Уни қарангки, бир ярим тоннали оғирликдаги мотор ҳеч кимга зарар етказмаган. Мутахассисларнинг фикрича, "Боинг-727" типидаги самолётнинг учта мотори ҳам мустақил ҳаракат қила олади. Аммо битта моторнинг ишламай қолиши самолёт парвозига салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди.

## ЯНГИ ТУРАР ЖОЙ ДАҲАСИ

Тунис пойтахтининг яқинидаги кўл кўп вақтдан бери бефойда ётарди. Пойтахт аҳолиси ундан катта зарар кўрар эди. Чунки ёз келиши билан кўл қуриб, ботқоқликка айланар ва 5 минг гектар майдонни эгаллаган денгиз қирғоғи сасиб кетарди. Бундан ташқари бир қатор саноат корхоналари ташлаган чиқиндилар туфайли ботқоқлик янада кенгаярди.

Яқинда бефойда кўлга "ҳужум" бошланди. Уни қуритиш ишлари жадал олиб бориляпти. Бу ерда ишлаб чиқилган планга мувофиқ денгиз қирғоғи батамом ботқоқликдан тозаланади. 2000 йилга бориб кўл ўрнида замонавий турар жой массиви қад кўтарди.

## КИМСАСИЗ СОҲИЛДАГИ ПОРТЛАТИШ

Кема омбори лой-тупроққа тўлгач, "Онежский" землесосда "машина тўхтатилсин" деган команда берилди. Лекин механизмларнинг тўхташига сабаб бўлган нарса бу эмасди. Вахтада турган матрос Ю.Кромм землесоснинг сўрадиган қурилмасида қўққисдан катта калибрли тўп ўқини кўриб қолди.

Денгиз тўлқинланиб турарди. Ҳар бир дақиқада снаряд сувга думалаб тушиб, таги чуқурлаштирилаётган Никольский рейди тубига яна кетиши мумкин эди. Экипаж бирон секундни ҳам бой бермай, хатарли юкни панжарадан чиқариб кемага олди.

Орадан бир неча соат ўтгач, денгизнинг кимсасиз соҳилида бўғиқ портлаш товуши эшитилди. "Онежский" ўтган уруш давридан бери сув тагида ётган тўп ўқини энди топаётгани йўқ. Кема ўтган беш йилликда Польша Халқ Республикасидаги Гданьск портини реконструкция қилишда қатнашганди. Бу ерда совет денгизчилари душманнинг ўнлаб снарядлари ва миналарини сув тагидан кўтариб олиб, зарарсизлантирган эдилар.

**Маҳмуд ИЛҲОМОВ,**
**Тошкент Молия институти доценти.**
**Феруз ҲАМРАЕВ,**
**шу институт талабаси**





*«Яшил чироқ — 2005»*

# ЙЎЛ ИНТИЗОМНИ ЁҚТИРАДИ

**Униб-ўсиб келаётган ёшларнинг ҳар томонлама соғлом, интеллектуал даражаси юқори, маънан ва руҳан баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бирига айланган. Чунончи, соғлом авлод камолоти йўлида қатор кўрик-танлов ва мусобақалар ўтказилиб, барча мутасадди ташкилотлар бу ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.**

Хусусан яқинда Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўқувчилар орасида йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги билимларини ошириш йўлида доимий ўтказилиб келинаётган "Яшил чироқ" кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилаётган ушбу танлов аввал мактаблараро, сўнг туманлараро, учинчи босқичда шаҳар миқёсида ўтказилди. Шуни айтиб ўтиш лозимки шу кунгача Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан шаҳардаги барча мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида 3727 маротаба йўл ҳаракати қоидалари ва ҳаракат хавфсизлиги бўйича суҳбат ва қизиқарли учрашувлар, Учтепа туманидаги 295-мактабда туманлар халқ таълими бўлимларининг маърифат ва маънавият ишлари бўйича етакчи мутахассислари, ҳаракат хавфсизлигига жавоб берувчи услубчилари ҳамда барча мактабларнинг йўл ҳаракати қоидалари ўқитувчилари ва мутасадди раҳбарлари иштирокида ўқув-семинарлар ўтказилди.

— Яқинда Республикамиз ҳудудида ўтказилган "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги"нинг йўл ҳаракати қоидалари ва ҳаракат хавфсизлигини тарғиб этишда аҳамияти катта бўлди, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси тарғибот ва ташвиқот бўлими бошлиғи, подполковник Қўзибой Янгабоев. — Мактабларда ташкил этилган ёш автоназоратчилар гуруҳлари бу ишларда ўз ҳиссаларини қўшиб, мактабга келиш ва кетиш вақтларида мактаб олдидаги йўлнинг қатнов қисмида навбатчи постлар ташкил қилиб, хавфсизликни таъминлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Мусобақа иштирокчилари еттита шарт бўйича ўзаро беллашиб ўз билим ва кўникмаларини кўрсатдилар. Шартларнинг тўғри, аниқ, юқори кўтаринкилик билан бажарилиши мусобақанинг ёшлар орасида ниҳоятда оммалашиб бораётганидан далолат берди.

— Мусобақа тобора ўқувчилар орасига кириб бормоқда, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жамолиддин Камолов. — Ҳар бир ўтказилаётган тадбир ва учрашувларга пухта тайёргарлик кўрилади. Мақсадимиз эса битта — ўқувчи-ёшларимиз йўл ҳаракати қоидаларини қанчалик яхши билса, бахтсиз ҳодисалар сони шунчалик камаяди, демак уларга ёшликдан пухта билим ва кўникма берилиши лозим.

Ниҳоятда қизғин ўтган мусобақани нуфузли ҳаъкамлар ҳайъати баҳолаб борди ва очколар ҳисобланиб ғолиблар эълон қилинди. Олий ўринни Шайхонтоҳур туманидаги 98-мактаб эгаллади. I-ўринни Мирзо Улуғбек туманидаги 248, II- ўринни Юнусободдаги 96 ва Собир Раҳимов туманидаги 249, III-ўринни Учтепа туманидаги 116 ва Ҳамза туманидаги 61-мактаблар эгалладилар. Барча ғолиб ва қатнашчиларга Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.



**Шоира МУХАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: "Яшил чироқ — 2005" кўрик-танловининг шаҳар босқичидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

**Ибн Сино Халқаро жамғармаси ва Республика Саломатлик институтининг Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактабда ўқувчи-ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди.**



*2005 — Сиҳат-саломатлик йили*

# БИЗ СОҒЛИҚНИ ТАНЛАЙМИЗ

Унда Саломатлик институтининг бўлим бошлиғи Нафиса Мақсудова, Тошкент шаҳар врачлар малакасини ошириш институтининг катта ўқитувчиси Абдуваҳоб Тоҳирий, иқтисод фанлари доктори, профессор Қодир Одилов, тумандаги 9-оилавий шифохона шифокори Л. Михеева ҳамда шифокор У. Масолиевалар тадбир қатнашчиларига соғлом ҳаёт кечиришнинг умумий жиҳатлари, Ибн Сино таълимотидаги ижтимоий-иқтисодий масалалар, чекишнинг саломатликка зарари, ўткир юқумли ичак касалликларининг келиб чиқиши ва уларнинг олдини олиш тўғрисида атрофлича тушунтириб ўтдилар.

Учрашув мобайнида ўқувчи - ёшлар юқорида айтиб ўтилган масалалар юзасидан мутахассисларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар. Бугунги кунда айниқса ёшлар ўртасида чекиш иллатининг илдиз отиб бораётганлиги сабабли унинг салбий оқибатлари ҳақида мутахассислар алоҳида тўхталиб ўтдилар ва шу мавзуга доир плакатлар ўқувчиларга тарқатилди.

Тадбир якунида иштирокчиларга буклет ва бошқа қўлланмалар ҳам берилди. Ўйлаймизки, ушбу тадбирда таъкидлаб ўтилган масалалар, муаммолар ўқувчи-ёшларни бефарқ қолдирмади ва улар бундан ўзларига тегишли хулосалар чиқаришади.

**Шерзод ШУКУРОВ**

**СУРАТДА: 64-мактабда бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.**

**Алексей Попов олган сурат.**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**"Меҳрли савдо" Давлат корхонаси 2005 йил III чорагида қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун тендер савдолари ўтказилишини маълум қилади:**

— шакар
— сариёғ
— биринчи тоифали музлатилган мол гўшти

Тендер таклифларини қабул қилиш ҳамда тендер ҳужжатларини бериш ҳар куни соат 9-00 дан 17-00 гача қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади:

Тошкент шаҳри, 700000, Мирзо Улуғбек тумани, А.Икромов кўчаси, 27-уй. Телефонлар: 137-14-59, 137-45-15, факс 137-14-92. Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати 2005 йил 24 июнь, соат 17-00 гача.

Танлов асосида қуйидагиларни харид қиламиз:

— ҳар хил турдаги ёрмалар, жумладан: гуруч, майдаланган нўхот, перловка, гречка, ловия, мош;
— какао кукуни, кофе, чой;
— хамиртуруш (дрожжи), лавр япроғи, майдаланган қора мурч.

Шу билан бирга корхона Россияда ишлаб чиқарилган оғирлиги 1/340 граммли димланган мол гўшти консервасини сотади.

*Футбол*

## ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК КЎРИШМОҚДА

**Жаҳон чемпионати финалига саралаш турнирининг иккинчи босқич иккинчи давра учрашувлари бошланишига ҳам икки кун қолди.**

Ўтказилган биринчи давра учрашувларидан сўнг бор-йўғи бир очко жамғарган Ўзбекистон терма жамоаси айни пайтда ўз гуруҳида сўнгги поғонани эгаллаб турибди. Аммо, бошланаётган иккинчи давранинг икки учрашуви Тошкентда ўтказилишини ҳисобга оладиган бўлсак, Германия яшил майдонларида тўп суриш учун имконият бор. Ана шуни юракдан ҳис қилган Равшан Ҳайдаров шогирдлари Жанубий Корея билан кечадиган баҳсга қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Ўтган ойда Москва шаҳрида Россия чемпионатида тўп сураётган клублар билан уюштирилган назорат учрашувлари фикримизга яққол далил бўла олади. Ўзбекистон футбол федерацияси маълумотларига кўра айни пайтда терма жамоамиз аъзоларининг кайфияти яхши, тайёргарликни ниҳоясига етказишмоқда, кунига икки маҳалдан машғулотларда иштирок этишяпти. Шуниси қувонарлики, легионерларимизнинг айримлари аллақачон Тошкентга етиб келишган. Бироқ Россиянинг "Локомотив" жамоаси аъзолари Владимир Маминов ҳамда Алексей Поляковлар ушбу учрашувда маълум сабабларга кўра иштирок этмайдиган бўлишди.

Шунингдек, Владимир Радкевич ва Илёс Зейтуллаевларнинг ҳам Тошкентга-келмасликлари маълум бўлиб қолди. Қозоғистон жамоаларидан бирида тўп сураётган Виктор Карпенко терма жамоа шарафини ҳимоя қилади.

Биз терма жамоамизга саралаш турнирининг иккинчи босқич иккинчи даврасида омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

## ВЬЕТНАМГА ЕТАКЧИЛАРСИЗ БОРИШАДИ

**Вьетнам пойтахти Ханой шаҳрида 12-23 июнь кунлари аёллар ўртасида футбол бўйича қитъа биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтади.**

Ўзбекистон аёллар терма жамоаси гарчи ушбу турнирда совринли ўринларга даъвогарлик қилмаса-да, мазмунли ўйин намойиш этиб ўз мухлислари кўнглини шод этишни ният қилган.

Шуниси эътиборлики, терма жамоа сўнгги ўқув-машғулот йиғинларини Андижон шаҳрида ўтказишга аҳд қилган. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Терма жамоанинг 14 нафар аъзоси "Андижанка" жамоасида тўп суради. Дарвоқе, терма жамоани "Андижанка" қизлари устози Мирон Ким бошқараётганлигини ҳисобга олганда масала ойдинлашади. Нуфузли турнирга ҳозирлик кўраётган терма жамоа олдида кичик муаммо пайдо бўлди. Етакчи ўйинчилардан Камола Усмонова ҳамда Илмира Ғуломова айрим сабабларга кўра Ханойга бора олишмайди. Бу футболчиларнинг ўрнига Самарқанднинг "Шердор", Наманганнинг "Гулбаҳор" жамоалари аъзолари термага жалб этилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

Тошкент коммунал-қурилиш коллежи томонидан 1991 йил 14 мартда Эшматов Шухрат Хурсанович номига берилган ИТ-1№142332 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

*Болалар спорти*

# МАҚСАД — ИҚТИДОРЛИ ЎЙИНЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

**Футболнинг энг севимли, мухлислари кўп спорт тури эканлиги хусусида баҳс юритишнинг ҳожати бўлмаса керак. Зеро, мухлислар атайлаб футбол юлдузларининг маҳоратларидан баҳраманд бўлиш, ажойиб ва бетакрор чарм тўп спектаклини томоша қилиш учун бевосита стадионга келадилар. Нуфузли халқаро мусобақалар ўтказилаётганда эса «Ойнаи жаҳон» орқали ушбу беллашувларни миллионлаб мухлислар томоша қилишади.**





Бирор бир маҳоратли чарм тўп устаси ёки футбол юлдузини тайёрлаш эса игна билан қудуқ қазишдек мураккаб иш. Зеро, Абдураимов, Қосимов, Марадона, Пеле, Крунфф каби юлдузлар доимо туғилавермайди. Қолаверса бунинг ортида узоқ йиллик машаққатли меҳнат, машғулотларда тер тўкиш ётади.

Бироқ кўпчилик моҳир футболчиларнинг аксарият қисми қуйи лигалардан етишиб чиқишини ўйламайди ҳам. Бу борада айниқса шаҳар биринчиликлари мусобақаларининг аҳамияти катта, албатта.



Мана шундай фойдали турнирлардан бири — 1988-89-90-91-92-93-94 йилларда туғилган болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган шаҳар биринчилиги мусобақалари ҳам қизғин паллага кирмоқда. Болалар ва ўсмирлар жамоаларига мураббийлик қилиш кишидан топқирлик, зийраклик, тадбиркорлик хислатларини ҳам талаб этади. Бевосита шаҳар биринчилиги мусобақаларини кузатган ҳолда шундай хулосага келдик.

Ҳозирда шаҳар биринчилигида жамоалар 3 та дивизионга бўлинган ҳолда баҳс юритишмоқда. Биринчи ва иккинчи дивизионларда саккизтадан жамоа бўлса, учинчи дивизионда ўн битта команда тўп сурмоқда. Ҳар бир клубда эса еттитадан ёш тоифаси бўйича жамоалар бўлиб, улар дивизионлар бўйлаб баҳс юритишади.

Ҳар ҳафтада тур учрашувлари ўтказилиб турилади. Биз «Тўқимачи» ва «Ёшлик» клубларининг турли ёш тоифасидаги командаларининг ўйинларини томоша қилиб, ушбу клублар фаолияти билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдик.

— Жамоаларимиз асосан юнусободлик ўсмирлардан ташкил топган, — дейди биз билан суҳбатда 3-дивизионда тўп сураётган 1989-1993-йилларда туғилган болалардан ташкил топган жамоаларнинг бош мураббийси Рисқулла Рисқулов. — Бизни кейинги вақтларда стадион масаласи бир оз қийнаётганди. «Furbodeҳқон» маҳалласи оқсоқоли ва фаолларига раҳмат. Ушбу маҳалладаги стадионни таъмирлаб, ўйинларимизни шу ерда ўтказмоқдамиз. Жамоамиз ўтган йилнинг куз фаслида ташкил этилган бўлса-да, уни кўплаб ёш, иқтидорли спортчилар билан тўлдирдик. Жумладан, 91-йилда туғилган ёш тоифасидаги болалар ўртасида ўтказилаётган биринчилик баҳсларида ҳужумчимиз Карим Ҳакимов 6 та ўйинда 7 та тўп киритди. 92- йилда туғилган болалар ўртасида клубимиз биринчи ўринда бормоқда. Бу ёш тоифасида Шерзод Умаров, Ҳусниддин Аҳмаджонов, Зиёвиддин Муҳаммадиев, Бахтиёр Исҳоқов каби ярим ҳимоячи ва ҳужум чизиғида ўйнайдиган умидли футболчиларимиз бор. Дарвозабон Музаффар Алимовнинг ҳам келажаги порлоқ бўлади деб ўйлайман. Жамоамиз бу йил учта дивизион бўйича ўтказиладиган «Наврўз» Кубогининг ярим финалига чиқди.

— Мақсадимиз олий лига жамоаларига ўйинчилар етказиб бериш, — дея суҳбатга қўшилди «Тўқимачи» клуби жамоаларининг бош мураббийси Жамшид Абдураимов. — Ниятимизга етяпмиз ҳам. Чунончи, Афзал Хўжаев Бекободнинг «Металлург» жамоасида ўйнаётган бўлса, Дмитрий Меркулов ўз вақтида «Дўстлик»да тўп сурган, ҳозир қўшни Қозоғистон чемпионатида иштирок этяпти. Иккинчи дивизиондаги «Локомотив» командасига ҳам мураббийлик қиляпман. «Локомотив»нинг 90-йилда туғилган 8 та ўйинчиси ҳозирда мамлакат ўсмирлар терма жамоаси таркибига жалб этилган.

Командаларимизда Жамол Абдуллаев, Даврон Анваров, Вячеслав Савсан каби умидли ярим ҳимоячи ва ҳимоячилар мавжуд. Ҳужумчилар муаммо бўлиб турибди.

Болалар спортини ривожлантиришга интилаётган, ёшларни турли зарарли иллатлар ва оқимлардан узоқлаштирилиб, тўғри йўлга бошлашга ҳаракат қилаётган ҳар иккала мураббий билан узоқ суҳбатлашдик. Ютуқ ва муаммоларидан бохабар бўлдик. «Ёшлик» жамоасида битта катта муаммо бор — у ҳам бўлса ҳомийнинг йўқлиги. Ўйлаймизки, тез орада ушбу муаммо ҳам ечимини топади.

Ҳар иккала клубнинг турли ёш тоифасидаги жамоалари иштирокида шу куни ўтказилган ўйинлар эса қуйидаги ҳисобларда якунланди. 1990 ва 1994 йилларда туғилган болалардан ташкил топган жамоалар баҳсида "Тўқимачи" 3:1 ва 3:2 ҳисобида устун келган бўлса, 1991, 1992 ва 1993 йиллар жамоалари учрашувларида «Ёшлик» 2:1, 1:0 ва 5:0 ҳисобида рақибларини доғда қолдирди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

**СУРАТЛАРДА: шаҳар биринчилиги 3-дивизиони баҳсларидан лавҳалар; «Ёшлик» жамоаси футболчилари. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Кўргазмалар*

# ТАСВИРЛАРДА ИТАЛИЯ ТААССУРОТИ

**Бугунги кунда Европа давлатлари орасида мамлакатимизнинг нуфузи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Буни биз Ўзбекистон ва Италия давлатлари ўртасидаги алоқалар мисолида кўришимиз мумкин. Яқинда, юртимизнинг бир қанча сурат усталари, моҳир тасвирчилар мазкур давлатда ижодий сафарда бўлиб қайтишди. Ушбу мамлакат тасссуротини эса ижодкорлар ҳамшаҳарларимиз ҳукмига ҳавола этишмоқда.**

Ўзбекистон Бадиий академияси, Бадиий кўргазмалар дирекцияси ҳамда Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорликларида Замонавий санъат марказида "Тасвирларда Италия таассуроти" номли бадиий кўргазмаси намойиш этилмоқда. Кўргазма экспозициясидан Алишер Алиқулов, Валерий Енин, Марат Содиқов, Виктория Трошина, Искра Шин ижодига мансуб 30 дан ортиқ муаллифлик асарлари ўрин олган. Кўргазма очилишида сўзга чиққанлар Италиянинг Ўзбекистон сингари меъморчилик, ҳунармандчилик, бинокорлик санъатининг узоқ тарихга бориб тақалишини таъкидлашди. Хусусан, қадимий меъморий обидаларнинг қурилишида ҳам ўзига хослик мавжуд. Халқлар ўртасидаги айниқса, мана шундай маданий тажриба алмашинувлар ҳар бир санъат мухлисларида қизиқиш уйғотишини айтиб ўтишди.





Рангтасвир ва график асарларида рассомларнинг биргаликдаги Италия бўйлаб қилган сафар таассуротлари, қадим Италиянинг меъморчилик ва гўзал табиати ўз аксини топган. Кўргазма давомида томошабинларга концерт дастури намойиш этилди.

6 июнга қадар давом этадиган кўргазма санъат мухлислари қалбидан чуқур жой олади, деб умид қиламиз.

**Юлдуз УСМОН**

**СУРАТЛАРДА: Замонавий санъат марказидаги кўргазмада намойиш этилаётган асарлар.**

## ХАНДАЛАР

Шифокор қовоғи солиқ, бадфеъл одамни текшириб кўраётиб ҳазиломуз деди:

— Касалингиз жиддий. Сиз мана бу дорини топиб истеъмол қилинг. Номи кулгидин.

— Бу дорини қаердан топишим мумкин, дўхтир?

Шифокор жилмайиб деди:

— Хурсандбой акам, Хурсандбойдан.

* * *

Бир аёл кўзи, қош-қовоғи кўкарган қўйи ишга келди.

Ундан сўрашди:

— Ким сизни бундай аҳволга солди?

— Эрим.

— Биз уни командировкада деб ўйлаган эдик.

— Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим.

* * *

Учта маст темир йўл шпали устидан судралиб кетишяпти:

Биринчиси:

— Поғоналар бунча ҳам баланд?

Иккинчиси:

— Икки ёнидаги тўсқичи эса жуда паст экан.

Учинчиси:

— Хафа бўлманглар, йигитлар. Ана қаранглар, лифт келяпти.


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3684 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-509. 1 2 3 4 6